XALQ DEPUTATLARI IZBOSKAN TUMAN KENGASHI
QARORI

2021 - yil 29 - dekabr VI-29-34-1-22-K/21 Izboskan tumani hokimligi

Избоскан туман бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429 ва 437-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида” ги ПФ-6121-фармонининг 1-бандига мувофиқ туман молия бўлими ва туман давлат солиқ инспекциясининг “қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар” лойиҳаси бўйича киритган таклифлари муҳокама этиб, халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 8 ноябрдаги “қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар қўллаш тўғрисида”ги 06/04-01-32/2248 ва 19/10-68220-сонли қўшма хатида қуйидагилар:

ер солиғининг амалдаги солиқ ставкалари 2022 йилда 1,07 бараварга индексация қилиниши кутилаётганлиги;

Андижон вилояти учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича юридик шахсларга 1 га учун 35,0 млн.сўм ва жисмоний шахсларга 1 кв.м учун 320,0 сўм 2 базавий солиқ ставкаси белгиланиши кўзда тутилганлиги;

келгуси йил базавий солиқ ставкасига нисбатан камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар қўллашда кейинги йил маҳаллий бюджет даромадлари прогнозидан келиб чиқиш бўйича тавсиялари маълумот учун қабул қилинсин.

2.“Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслар

бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар” миқдорларини белгилаш бўйича туман Молия бўлимининг ҳамда туман Давлат солиқ инспекциясининг қўшма таклифи маъқуллансин.

3. Мазкур қарор билан: Избоскан туман ҳудудида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар миқдорлари 1-иловага мувофиқ,

Избоскан туман ҳудудида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда: Солиқ идораларига жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи (якка тартибдаги тадбиркорлардан ташқари) суммаси 2021 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг 1,3 бараваридан ошмаслиги лозимлиги кўрсатиб ўтилсин.

4. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Н.Жўраев), туман молия бўлими (Р.Холжўраев), туман Давлат солиқ инспекцияси (Л.Қурбонов) 3 кун муддатда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган коэффициентларни солиқ тўловчиларга етказилишини таъминласин.

5. Туман молия бўлим ва солиқ инспекциясига ушбу қарорнинг иловасига асосан белгиланган солиқ ставкаларига нисбатан камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни келгуси йил учун маҳаллий бюджет даромадлари прогнозидан ҳамда мамлакатимизда иқтисодий фаолликнинг тикланганлиги ҳамда аҳоли ва тадбиркорларнинг даромадлари барқарорлашганлигидан келиб чиқиқан ҳолда қўллашлари тавсия этилсин.

6. Избоскан туман Давлат солиқ инспекцияси (Л.Қурбонов) ер солиғи бўйича тасдиқланган солиқ ставкаларини 2021 йил 31 декабрга қадар барча солиқ тўловчиларга солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали хабарнома етказилишини таъминласин.

7. Туман давлат солиқ инспекцияси (Л.Қурбонов) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

Солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ўз вақтида бюджетга ундирилишини назоратга олиб бориш;

тегишли бюджетнинг ижро этилиши жараёнида унга тушумларни кўпайтириш бўйича қўшимча захираларни аниқлаш;

ер солиғининг солиқ базасини ошириш, яъни хатлов ишларини самарали ташкил этиб борсинлар.

8. Туман молия бўлими (Р.Холжўраев), Давлат солиқ инспекцияси (Л.Қурбонов) ва

«Пахтакор» гезетаси мухаррири билан биргаликда ушбу қарор 1-,2-иловаларига мувофиқ солиқ ставкалари, солиқ солиш тартиб-таомиллари ҳамда бошқа масалага оид маълумотларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

9. Мазкур қарор «Пахтакор» гезетасида эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

10. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **С.Исмоилов**

Халқ депутатлари Избоскан туман
Кенгашининг
2021 йил 29 декабрдаги
VI-29-34-1-22-K/21-сон қарорига
1-илова

Т/р	Ҳудуд номи	Коэффициент (0,7 дан 3 гача)	1 гектар учун солиқ ставкаси (минг сўм)
1	Мирзо Улуғбек	0,90	31 500,0
2	Қашқарлиқ	0,85	29 750,0
3	Амир Темур	0,85	29 750,0
4	Марказ	0,85	29 750,0
5	Ойбек	0,90	31 500,0
6	Шодлик	0,85	29 750,0
7	З.М.Бобур	0,85	29 750,0
8	Иттифоқ	0,90	31 500,0
9	А.Навоий	0,90	31 500,0
10	Шинам	0,80	28 000,0
11	Туячи	0,80	28 000,0
12	Тараққиёт	0,70	24 500,0
13	А.Жомий	0,75	26 250,0
14	Мангуберди	0,75	26 250,0
15	Бўстон	0,75	26 250,0
16	Янги Бўстонобод	0,70	24 500,0
17	Дўстлик	0,70	24 500,0
18	Чекёр	0,70	24 500,0
19	Ровот	0,80	28 000,0
20	Навжур	0,70	24 500,0
21	Хаққулобод	0,75	26 250,0
22	Юқори	0,75	26 250,0
23	Қўғай	0,80	28 000,0
24	Бештерак	0,80	28 000,0
25	Урганжи	0,85	29 750,0
26	Куйган-ёр	0,85	29 750,0
27	Ўрта-қишлоқ	0,75	26 250,0
28	Даминбойчек	0,80	28 000,0
29	Оқ-олтин	0,80	28 000,0
30	Янги обод	0,75	26 250,0

31	Гулистон	0,75	26 250,0
32	Гуркиров	0,75	26 250,0
33	Анорзор	0,75	26 250,0
34	Тошкечик	0,80	28 000,0
35	Узун-кўча	0,85	29 750,0
36	Қум-кўча	0,75	26 250,0
37	Бешмирза	0,75	26 250,0
38	Қора-янтоқ	0,80	28 000,0
39	Юкори-Чувама	0,75	26 250,0
40	Чўртанлиқ	0,70	24 500,0
41	Бой маҳалла	0,80	28 000,0
42	Ифтихор	0,75	26 250,0
43	Элатан	0,70	24 500,0
44	Гудур	0,80	28 000,0
45	Ботиробод	0,75	26 250,0
46	Тўрткўл	0,80	28 000,0
47	Тинчлик	0,80	28 000,0
48	Истиқлол	0,85	29 750,0
49	Гузар	0,85	29 750,0
50	Тўраобод	0,75	26 250,0
51	Янги авлод	0,80	28 000,0
52	Тошлоқ	0,70	24 500,0
53	Обод	0,75	26 250,0
54	Зарбдор	0,80	28 000,0
55	Бирлашган	0,85	29 750,0
56	Наврўзобод	0,70	24 500,0
57	Жоҳонобод	0,80	28 000,0
58	Қўшкўприк	0,80	28 000,0
59	Жонобод	0,75	26 250,0
60	Юкори хосил	0,75	26 250,0
61	Бархаёт	0,85	29 750,0
62	Дарёбўйи	0,80	28 000,0
63	Солбоши	0,75	26 250,0

**Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429-моддасига мувофиқ, Избоскан туманида юридик шахслар учун қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар бўйича ер солиғининг базавий ставкаси 1 гектар учун 35,0 млн.сўм қилиб белгиланган. Қўлланилиши лозим бўлган солиқ суммаси базавий ставкани коэффициентга кўпайтириш орқали аниқланади*

Халқ депутатлари Избоскан туман
Кенгашининг
2021 йил 29 декабрдаги
VI-29-34-1-22-K/21-сон қарорига
2-илова

Т/р	**Ҳудуд номи**	**Коэффициент (0,7 дан 3 гача)**	**1 кв.м учун солиқ ставкаси (сўмда)**
1	Мирзо Улуғбек	0,90	288,0
2	Қашқарлиқ	0,90	288,0
3	Амир Темур	0,90	288,0
4	Марказ	0,90	288,0
5	Ойбек	0,90	288,0
6	Шодлик	0,75	240,0
7	З.М.Бобур	0,90	288,0
8	Иттифоқ	0,90	288,0
9	А.Навоий	0,90	288,0
10	Шинам	0,75	240,0
11	Туячи	0,75	240,0
12	Тараққиёт	0,70	224,0
13	А.Жомий	0,75	240,0
14	Мангуберди	0,70	224,0
15	Бўстон	0,70	224,0
16	Янги Бўстонобод	0,70	224,0
17	Дўстлик	0,70	224,0
18	Чекёр	0,70	224,0
19	Ровот	0,70	224,0
20	Навжур	0,70	224,0
21	Хаққулобод	0,70	224,0
22	Юқори	0,70	224,0
23	Қўғай	0,75	240,0
24	Бештерак	0,75	240,0
25	Урганжи	0,75	240,0
26	Куйган-ёр	0,75	240,0

27	Ўрта-қишлоқ	0,70	224,0
28	Даминбойчек	0,75	240,0
29	Оқ-олтин	0,75	240,0
30	Янги обод	0,75	240,0
31	Гулистон	0,75	240,0
32	Гуркиров	0,70	224,0
33	Анорзор	0,75	240,0
34	Тошкечик	0,75	240,0
35	Узун-кўча	0,75	240,0
36	Қум-кўча	0,70	224,0
37	Бешмирза	0,70	224,0
38	Қора-янтоқ	0,70	224,0
39	Юкори-Чувама	0,70	224,0
40	Чўртанлиқ	0,70	224,0
41	Бой маҳалла	0,75	240,0
42	Ифтихор	0,75	240,0
43	Элатан	0,70	224,0
44	Гудур	0,70	224,0
45	Ботиробод	0,70	224,0
46	Тўрткўл	0,75	240,0
47	Тинчлик	0,75	240,0
48	Истиқлол	0,75	240,0
49	Гузар	0,75	240,0
50	Тўраобод	0,70	224,0
51	Янги авлод	0,75	240,0
52	Тошлоқ	0,70	224,0
53	Обод	0,70	224,0
54	Зарбдор	0,75	240,0
55	Бирлашган	0,75	240,0
56	Наврўзобод	0,70	224,0
57	Жоҳонобод	0,75	240,0
58	Қўшкўприк	0,75	240,0

59	Жонобод	0,75	240,0
60	Юкори хосил	0,70	224,0
61	Бархаёт	0,75	240,0
62	Дарёбўйи	0,70	224,0
63	Солбоши	0,70	224,0

**Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 437-моддасига мувофиқ, Избоскан туманида жисмоний шахслар учун қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар бўйича ер солиғининг базавий ставкаси 1 кв.метр учун 320,0 сўм қилиб белгиланган. Қўлланилиши лозим бўлган солиқ суммаси базавий ставкани коэффициент миқдорига кўпайтириш орқали аниқланади.*
*Мисол: Мирзо Улугбек МФЙ учун 320,0*0,9=288,0 сўм*